



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 15 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 155 (10.964) Баҳоси эркин нарҳда

**ПОЙТАХТИМИЗДА 14 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТНИНГ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ШИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ



Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугун унинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу, айниқса, мамлакатимизда демократик ва бозор иқтисодиётига оид ислохотларни амалга ошириш натижасида қўлга киритилган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида, давлатимизнинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари бераётган самараларда ўз ифодасини топмоқда.

Бунда Ўзбекистон ўзининг ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсати қатъий амал қилган ҳолда, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар, қўллаб-қувватловчи мамлакатлар билан узвий алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётгани, шунингдек, йирик халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйгани муҳим омил бўлмоқда.

Ана шундай нуфузли халқаро тузилмалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) фаолиятида хар йили мусулмон дунёсидаги муайян шаҳарларни ислом маданиятининг пойтахтлари, деб эълон қилиш ўзига хос аъёнага айланган. Бундан қўланган асосий мақсад мусулмон мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб этиш, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш, ҳуқуқматларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборатдир.

ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, исломий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, ажодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, аллома ва азият-авлиёларимизнинг қадимжоларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг халқаро миқёсидаги яна бир эътирофи бўлди.

Пойтахтимиз бундай юксак унвонга эришишида халқимизнинг ислом маданияти, фалсафаси, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, юртимиз тарихий обиди ва меъморчилик намуналари, ислом динига оид қўлёзма манбаларга бойлиги ҳам муҳим ўрин тутди.

Азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришишида юртимиз алломаларининг қадимдан нафақат ислом, балки умумжаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ҳисса қўшгани ҳам назарда тутилгани шубҳасиздир.

Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси халқаро миқёсида эътироф этилишининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ҳуқуқимиз томонидан мазкур воқеага бағишланган илмий ва маданий тадбирларни ўтказиш юзасидан махсус қарор қабул қилинди. Тошкентда иш бошлаган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ушбу қарорда белгиланган энг муҳим тадбирлардандир.

Пойтахтимизда очилган анжуманда ўттиздан ортиқ мамлакатдан юздан зиёд атоқли уламо, диншунос олим ва мутахассис, машҳур давлат, дин ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этмоқда. Улар орасида Исрол Каримовнинг ташкилоти (ИКТ), Араб давлатлари лигаси, ISESCO, UNESCO, ИКТ қошидаги Исрол маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази (IRCICA) каби йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари бор.

(Давоми 2-бетда).

## ИСЛОМ ҚАРИМОВГА ЮНЕСКОНИНГ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 14 АВГУСТ КУНИ ОҚСАРОЙДА «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ШИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИР ҒУРУҲИ БИЛАН УЧАШДИ.

— ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан ўтказилаётган ушбу нуфузли халқаро анжуман Ўзбекистонни, ўзбек маданияти ва илм-фанини дунёга таништиришда муҳим аҳамиятга эга, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бизнинг заминимизда етиштирилган буюк алломаларнинг ислом таълими, маданияти, умуман, жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси беқийсдир.

Учрашувда Исрол Каримовнинг ташкилоти Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Хассан, Қувайт Давлати маориф ва олий таълим вазири Нурия ас-Сабих хоним ва Қозоғистон Республикаси мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абсаттор Дербесали ISESCOнинг Тошкентни ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиш ҳақидаги қарори фақат ўтмиш билан боғлиқ эмас-

лантириш орқали бутун дунё цивилизацияси равақига ҳам улкан ҳисса қўшганини таъкидладилар. Халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини қайд этдилар. Мусо бин Жаъфар Хассан Президентимизга ЮНЕСКОнинг «Аристотель» ва «Буюк Ипак йўли» олтин медаллари топширди. Бу мукофотлар таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришга, халқлараро мулоқотни фаоллаштиришга улкан ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбобларига, йирик олимларга, илм-фан ва маданият намунадаларига берилди.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ШИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН ОҚСАРОЙДА БЎЛИБ ЎТГАН УЧАШУВДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар, биродарлар! Мухтарам меҳмонлар! Сиз, азизлар билан — бугун Тошкентда очилган халқаро конференция иштирокчилари билан учрашди, ислом оламининг атоқли, кўзга кўринган намунадалари билан юзма-юз учрашди мен учун катта шараф.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзининг юксак ҳурмат-эътиромим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Биз Ўзбекистонда сизларнинг сермазмун фаолиятингиздан яхши хабардоримиз. Исрол дунёсини бирлаштириш, унинг обрўсини кўтариш, муқаддас динимиз қадриятларини ҳимоялаш йўлида қўлаётган катта хизматларингизни юксак қадрлаймиз.

Барчангизга қимматли вақтингизни ажратиб, Ўзбекистонга, Тошкентга ташриф буюрганингиз, ушбу нуфузли конференцияда иштирок этаётганингиз учун ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Бугун Тошкентда иш бошлаган халқаро конференция, унинг аҳамияти ва моҳиятини биз юқори баҳолаймиз. Ҳеч шубҳасиз, бу анжуман нафақат Ўзбекистон аҳли учун, балки яқин ва узоқ атрофимиздаги халқлар учун ҳам катта тарихий воқеа десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Мамлакатимиз пойтахтида ана шундай муҳим мавзуда, юксак мақомада ўтаётган бугунги конференция халқаро жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиши табиий, албатта.

Барчангизга маълумки, бу анжумани ўтказишга Исрол конференцияси ташкилотининг маданият бўйича тузилмаси АЙСЕКОнинг Тошкент шаҳрига «Исрол маданияти пойтахти» деган ном бериш ҳақидаги қарори сабаб бўлди.

Биз бу нуфузли халқаро ташкилотнинг қарорини аввало Ўзбекистонга, халқимизга нибатан юксак ҳурмат ифодаси, унинг ислом цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносиб ҳиссасининг тан олинishi, деб баҳолаймиз.

Қадимий юртимиз заминидида туғилиб-воғая етган, бутун мусулмон дунёсида ном қозongan буюк аллома ва мутафаккирларимиз билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ушбу қарор бу улуг зотларнинг дину диниётимиз йўлидаги беқийс хизматлари, улар қолдирган бой ва бебаҳо меросининг яна бир эътирофи, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Биз АЙСЕКОнинг бу қарорини юртимизда ислом тарихи ва маданияти, меъморчилик санъатининг намунаси бўлиши бекатдор обидаларга катта ҳурмат ва эътиром билан қараб, уларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш бўйича қилаётган ишларимизга берилган юксак баҳо, деб биламиз.

Мухтасар қилиб айтганда, асрлар давомида амалга оширилган мана шундай эзгу ишларнинг барчаси аввало эл-юртимизнинг йратганимизни қалбиди, юрғида сақлаб келаётгани, ҳар қандай оғир синов ва тўфонлар даврида ҳам ўз йомонига содиқ қолганининг ёрқин ифодаси, десам, ҳеч қандай тўла бўлмайди.

Айни мана шундай кескин бир вазиятда бугунги конференцияда ўртага қўйилаётган мавзулар, муҳокама қилинаётган масалалар динимизнинг тарихини, унинг дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаси ва асл маъно-моҳиятини кенг жаҳон оммасига етказишда ҳақиқатан ҳам катта ўрин тутишини ҳаммаимиз яхши тушунамиз.

Бугунги ислом олами олдиди турган энг долзарб ва муҳим вазифалар ҳақида гапирганда, мен тўртта масала хусусида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Биринчи. Исрол умматини бир мақсад атрофида бирлаштириш, унинг таркибиди тарқоқлик ва қарама-қаршилиққа йўл қўймашлиқ.

Иккинчи. Таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор бериш, мавжуд барча имкониятларни мана шу мақсад йўлида сафарбар этиш. Келажак ёшларники, таълим эса ана шу келажакнинг калитидир.

Учинчи. Қашшоқлик ва камбағалликка қарши курашиш.

Тўртинчи. Исрол таълимнинг моҳиятини, унинг инсонпарварлик, муътадиллик ва маърифатпарварлик хусусиятлари ва аломатларини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш.

Сизларнинг барчангиз эртага дунёнинг энг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган, шу қулларда ўзининг 2750 йиллик тўғилиш нишонлаётган Самарқанд шаҳрини зиёрат қиласиз, у ердаги нодир ёдгорликларни ўз қўзингиз билан кўрасиз.

Дунёимизда яшаётган оддий, бағрикенг, ўз келажagini ўз меҳнати билан барпо этаётган эл-юртимиз вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашиш имконига эга бўласиз.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги бугунги вазият, бугунги ҳаёт билан яқиндан танишасиз. Ва ўйлайманки, бундан ўз хулосаларингизни чиқарасиз. Энг муҳими, оқунгил, меҳмондўст халқимизнинг сиз, азизларга бўлган самимий иззат-иқромини ҳис этасиз.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида мамлакатимизда узумчиликни ривожлантириш, уни қайта ишлаш ва сақлашни жаҳон андозалари даражасига қўтариш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

●Тошкентда «Музейлар экспозицияси: замонавий амалиёт ва имкониятлар» мавзусида семинар ўтказилди. Ўзбекистон Маданияти ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги етакчи музейлар раҳбарлари, музейшунос олимлар иштирок этди.

●Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри — «Хидоят» журналининг 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишланган махсус сони нашрдан чиқди.

●Қашқадарё вилоятида туркман миллий маданият маркази ташкил этилди. Таъсис йиғилиши қатнашчилари хузурда «Сарвиноз» фольклор ғуруҳи туркман халқ кўшиқларини ижро этди. Даврада ўзбек ва туркман тилларида гурунг бўлди.

●Тошкент вилоятидаги «Бурсел-Тошкент-тўқимачи» кўшма корхонаси маъмурияти ҳамда касаб уюшмаси кўмитаси Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, шу мақсадда эҳтиёжманд ишчи-хизматчиларга 524 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг фарзандлари эса корхона ҳисобидан Тошкент шаҳрида саёхатда бўлиб қайтишди.

●Самарқанд шаҳрида «Энг яхши ижтимоий соҳа ходими» республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида ўтказилган ушбу танловда Андижон вилояти вакили Мавжуда Қодирова ғолибликни қўлга киритди.

●Олмаликдаги «Аммофос» очик акционерлик жамияти Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан «Кимёгар» саломатлик мажмуасини мукамал даражада янгилади. Шунингдек, мажмуага қарашли шифохона ва поликлиника учун зарур замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олинди.

●Бойсун туманидаги Дербенд тоғли қишлоғида 216 ўринли замонавий мактаб биноси қурилди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси қурилиш ташкилоти томонидан бунёд этилган барча қулайликларга эга ушбу мактаб Дербенд болаларига янги ўқув йили олдидан муносиб совға бўлди.

## ЖАҲОНДА

●Кеча Туркия Ташқи ишлар вазири Абдулла Гул Президент сайловларида қатнашишни расмий равишда билдирди. Айтиш керакки парламент томонидан сайланган президент сайловларининг биринчи босқичи Туркияда жорий йилнинг 20 августиди қўлиниб ўтди.

●Кеча Покистоннинг йирик шаҳарларида мамлакат мустақиллигининг 60 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакат пойтахтида эса улкан мушакбозлик бўлиб ўтди. Террористик ҳаракатлар уюштирилиши хавфи муносабати билан жойларда байрам тантаналари кучайтирилган хавфсизлик чоралари асосида ташкил этилди.

●Кейинги икки кун ичида Толибон ҳаракати томонидан гаровга олинган Жанубий кореялик икки нафар аёл озодликка чиқарилди. Ҳозирда улар «Баграм» ҳарбий базасида тиббий текширувдан ўтказилмоқда. Айни дамда расмий Сеул Афғонистон ҳукумати ва АҚШ ҳарбийлари билан аёлларни ватанига қайтариш юзасидан музокара олиб бормоқда.

●Москва—Санкт-Петербург йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Нева» поездеи кеча Новгород областида ҳалокатга учради. Бунга темир йолларга қўйилган масофадан туриб бошқариладиган бомбанинг портлатилиши сабаб бўлди. Поезд ҳалокати оқибатида 20 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳалокат юзасидан «терроризм» моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди.

●Кеча Буюк Британиянинг Кент номли яна бир графлигида 300 та қорамол сақланаётган ферма карантинга ёпилади. Унда оқсил касаллиги мавжудлиги гумон қилинмоқда. Агар гумон ўз тасдиғини топса, бу мамлакатдаги қорамоллар оқсил касалига чалинган учинчи ферма бўлади.

●Хитойда қурилаётган, узунлиги 320 метрлик кўприк кулаб тушди. Дастлабки маълумотларга кўра, кўприк кулаши натижасида 22 киши ҳаётдан кўз юмган, яна шунча киши эса жароҳатланди. Кўприк тагида қолиб кетган 46 кишининг тақдири эса ҳозирча номаълум. Кўприк кулаши сабаблари ўрганилмоқда.

●АҚШнинг Миссури штатидаги Қерковда муҳим жиноят содир этилди. Тонгги ибодатдан чиқаётган кишилар тўдасига номаълум кимсаннинг ўқотар қурол билан ҳужум қилиши натижасида 13 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб ибодатчилар яраландилар. Полиция ходимлари етиб келиб, жиноятчини қўлга олишди.

●АҚШнинг «Мател» компанияси Хитойда ишлаб чиқарилган 18 миллионга ўйинчоқларнинг таркибида кўргошин моддаси борлиги сабабли дунёнинг турли мамлакатларидан қайтариб ола бошлади. Шу сабабдан мазкур компания акцияларининг нархи уч фоизга тушиб кетган.

## Касба сатрларда

●Бугун Юнусобод туманидаги «Шивели» маҳалласида «Мен тинчликни чизаман» мавзусида болалар иштирокида ўтказилган асфальтга расм чизиш танлови Ижтимоий ҳимоя йили ҳамда юртимиз Истиклолнинг 16 йиллигига бағишланди.

хаси доирасида 2-Республика тиббиёт коллежи билан ҳамкорликда «Тиббий ёрдам кўрсатиш» тадбири амалга оширилди.

●ТОШКЕНТ шаҳар ҳокимлигида ёш оилаларни маънавий моддий қўллаб-қувватлаш масаласига бағишлаб фаоллар иштирокида семинар ўтказилди.

●ЎТГАН кун Республика ҳарбий прокуратурасида ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва модернизация қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари урни масаласида бағишланди.

●КЕЧА Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан иқтидорли ёшлар ўртасида уюштирилган «Келажак овози» кўрик-танловининг бадиий ижод йўналиши бўйича навбатдаги босқич ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

●ЭКОСАН халқаро ташкилоти ташаббуси билан экологлар, шифокорлар иштирокида уюштирилган конференция «Экология ва онкология» деб номланди.

●БУГУН Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида 2007-2008 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбирда педагоглар, «Машинасозлар» маҳалласи фаоллари иштирок этишди.

●ЎЗБЕКИСТОН Банклар ассоциациясида молия соҳаси вакиллари иштирокида уюштирилган анжуман тижорат банкларида жорий қилинган корпоратив бошқарув масалаларига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).





03-03 ҲАҚИҚАТ ДОНО БУЛАДИ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИҚМАТЛАР

Кадр қиммат китоблар билан пайдо қилинган. Китоб сўзлари кишининг кўлидан тутади, уни эзгу йўлга бошлайди. Бу ҳиқматни кўплаб китобларни ўқиган одамгина англаб етади.

Китоб қадрини ҳамма эмас, билимдон, доно кишиларгина билади. Нодон кишилардан билимсизликдан бошқа нима келади?

Китобни ҳар бир дуч келган одамга беравермаслик керак. У энг яқин дўст бўлганида ҳам китобни ишонидан олдин яхшигина синовдан ўтиши лозим. Буни билимсизлар асло англамайди. Заковатлилар эса буни зийраклиги туфайли пайқай олади.

Мулк-мамлакатни маҳкам тутиш истагидаги одамнинг иши яроқли йигитларга тушади: Бу янглиг йигитлар ҳар ишда чирой, Мисоли чирокка ёғду берган мой.

Билимнинг кадр-қиммати билимдон кишилар етади. Ақл-идрокли кишилар билим қийматини уқиб олишади.

Сиёсат бошини бўш қўйма зинҳор, Кўнгил бериб, мункир, бузғунчилар бор.

Рослик, орасталик—танга саодат. Райятга нисбатан тоқати тоғдек бўлса, Барча иш ичида роҳат топади.

Билим қийматини заковатли билади. Кўзимдан узоксан, (лекин) кўнглимга яқиндирсан.

Олам чиройли қилиб безанмоқ истади. Масалда келадиган жуда эски таъбир бор: Отанинг ўрни (ва) оти ўғилга қолади.

Кўлдан кетгусидир, йиғсанг мол-дунё, Билъакс, дунё кезган боқий сўз—кимё.

Сенга дунё берди ва менга илҳом. Дўстлар омон бўлсин, душманлар ҳалак.

Кўқда юлдузларнинг қанчаси безак, Қанчаси башарга йўлчидир бешак: Бандаси умидвор тикканда кўзин, Қийналмай тополсин токи юлдузин.

Барига раҳнамо ақл ва идрок. Уқувдир чироғдек қоронғи туни, Билимдир ёруғлик—ёритгай сени.

Билимни буюк бил, уқувни чуқур, Бу иккиси бирла гофил уйғонур.

Уқувли уқар ҳам билимли билар, Билимли, уқувли тилакка етар.

Кел, эй нодон, изла бу дардга даво: Билимсиз тубандир, қадрили доно.

Уқув қайда бўлса, улуглик бўлар, Билим қимда бўлса, буюклик олар.

Билимсиз кишилар бўлар кўр мисол, Билимсиз, билимдан келиб ҳисса ол.

Жами ҳайрли ишлар билим нафидур, Билим ҳатто осмон сари йўл очур.

Яна бир ҳиқмат бор: Ҳазрати одам—Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.

Одамзод наслининг улуглиги билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Уқув-идрок ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам ша-рафлидир.

Билимни буюк бил, уқувни улуг, Шу икков улуглар кишини тўлик.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент Давлат иқтисодий университетини томонидан 1989 йилда Нурмуратов Ҳасан Бўронович номига берилган № 086795 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қибрай қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи томонидан 2004 йил 5 июлда Мирабидов Забиҳилла Убайдуллаевич номига берилган 078747 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти жамоаси Йўловчи транспортини барча турлари ҳаракатининг барқарорлиги ва йўналишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Нажмиддин Гиясидинович Давлатовга волидаи муҳтарамаси ТУРСУНОЙ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ШАҲАР ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ ВА «МАҲАЛЛА» ЖАМФАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

Барча ҳамшаҳарларимизни

байрам олдиқдан

18-19 август кунлари ўтказилаётган

ўшмишаҳар ҳашарида

иштирок этишга чорлаймиз.

Келинг, умумшаҳар ҳашарида уюшқоқлик билан қатнашиб, шахримизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Спорт янгиликлари

«ПАХТАКОР — 79» НИ ХОТИРЛАБ

ЎТГАНЛАРНИ ҚИЛГАН ЯХШИ АМАЛЛАРИНИ, ХАЙРЛИ ИШЛАРИНИ ЁДГА ОЛМОҚ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ХУСУСИЯТ. ЎТГАН АСРНИНГ ЕТИМИШНИЧ ИЙЛЛАРИДА ТЎП СУРГАН «ПАХТАКОР» КЛУБИНИНГ ШИДДАТЛИ, ҲУЖУМКОР ЎЙИНЛАРИНИ КАТТА АВДЛО ВАКИЛЛАРИ БЎЛГАН ФУТБОЛ ИШКИЗОЛАРИ ЯХШИ БИЛИШАДИ.

Аммо ўн биринчи август санаси мамлакатимиз футболни учун нихоятда оғрикли кун ҳисобланади. Сабаби бундан йигирма саккизи йил аввал «Пахтакор» жамоасининг ўн етти ўғли авио ҳалокат туфайли оламдан кўз юмган эди. Орадан йиллар ўтсада барчага олам-олам қувонч улашган ана шу чарм тўп усталарини муҳлислар унуттигани йўқ. Нафақат юртимизда балки хорижий мамлакат футболчилари ҳам яхши ният ила ёдга оладиган «Пахтакор» жамоасининг афсонавий ўйинчилари юракларда унутилмас хотира қолдиришган. Ўзининг яшил майдондаги чиройли ҳаракатлари билан муҳлисларни

ром этган Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Юрий Загуменних, Александр Корчёнов каби қалбимиз учун ардоқли бўлиб қолган футболчиларни хотирлаш мақсадида муҳлис ва футболчиларнинг яқинлари пойтахтдаги Боткин қабристонига уларнинг рамзий қабрларига гуллар қўйишар экан, Украина осмонига юлдуз каби кўкка сочилиб кетган ақинларини яна бир марта ёдга олишди. Мазлумки, «Пахтакор-79» жамоаси хотирасига бағишлаб ҳар йили юртимизда турли мусобақалар ташкил этилади. Ўсмир футболчилар ўртасида аънавий тарзда ўтказиладиган «Пахтакор-79» халқаро хотира турнири ҳам шулар жумласидандир. Пойтахтда бўлиб ўтган бу галги беллашувларда юртимиз шарофтини тўрт жамоа аъзолари ҳимоя қилган бўлса, Бишкекнинг «Олга», Алматининг «Цесна», Қозоннинг «Рубин» ҳамда Ашхабоднинг «Сдуюшор» каби ёш футболчилари ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Дастлаб жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда тўп сурдилар. «А» гуруҳидан муваффақиятли

чиққан «Пахтакор» ўсмирлари биринчи ўринни кўлга киритиб финалга йўлланма олган бўлса, «В» гуруҳида Бишкекнинг «Олга» футболчилари биринчиликни кўлга киритиб юртдошларимизга рақиб бўлди. Финал учрашувини бошқаришга ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг тайинланганлиги муҳлису-мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Финал баҳслари ҳамюртларимизнинг тўлик ус-тунигида ўтиб, улар рақиблари дарвозасига жавобсиз етти та тўп киритишга муваффақ бўлишди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда Ашхабод ҳамда Республика олимпия захи-ралари коллежининг ёш ўйинчилари тўқнаш келиб унда голиб номи пенальтилар серия-сида аниқланди. 3-0 ашхабодлик ёш фут-болчилар ҳисобига. Мусобақа якунида таш-килотчилар томонидан совриндорларга мах-сус кубок ҳамда совғалар тақдим этилди. «Пахтакор-79» футболчилари хотирасига бағишлаб ўтказилган турни муваффақият-ли ўтди. Халқимизнинг ҳақиқий қаҳрамон-лари ва ардокли фарзандлари орамизда бўлмасаларда қалбларда мангу яшайверди. Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

ҲАМШАҲАРЛАРИМИ- ИККИНЧИ ЎРИНДА ШАХРИМИЗДА ШАХМАТ БЎЙИ, ФАХРИЙЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНИГА ЕТДИ.

Шуниси эътиборлики, сўнги тўққинчи турдан сўнг бир хил—7,5 тадан очко жаар-ган пойтахтлик Константин Малинчев ан-дижонлик Виктор Вороновлар биринчи-кинчи ўринларни эгаллаб келишаётган. Кўшимча кўрсаткичлари яхши бўлганги сабабли андижонлик шахматчида имкония-широқ эди. Шу боис ҳам чемпионат яқда биринчи ўрин андижонлик шахматчига бил-ди, пойтахтлик «ақл гимнастикаси» устак-кинчи ўрин билан кифояланди. Тошкени-лотия шарафини ҳимоя қилган Вячесла-замовга эса фахрли учинчи ўрин насиб эди. Мусобақа якунида голиб ва совриндор-га совринлар, эсдалик совғалари топшил-ди. Акбар ЙЎЛДЎЕВ

БОЛАЖОНЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

ПОЙТАХТДАГИ «ОЙМОМО» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНДАГИ 120 НАФАР ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН, НОГИРОН БОЛАЛАР ИШТИРОКИДА «ЁЗ — 2007» БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбир болажонлар қалбида келажакка бўлган ишонччи янада кучайтириш, турли муаммоларни иккиланмай енгиб

ўтишида, ҳаётда ўз ўринларини топиб, етук ва комил ин-сонлар бўлиб етишишида амалга оширилаётган хайрли саъй-ҳаракатлардан бири, десак муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ноғирон бола-ларга яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг таътил кун-ларида турли қизиқарли ўйинларга жалб этилиши, соя-сал-қин бог қўйида ҳордиқ чиқариши болажонларга янгича куч-ғайрат бағишлаши, шубҳасиз. Қолаверса, ноғирон, им-

конияти чекланган болаларни яшashi, таълим олишигаам олишига зарур шароитлар яратишиши уларни ҳаётда ўз йи-га эга бўлишида кўмак бўлади.

Тадбирда болажонларга кийим-кечаклар, салқин ил-ликлар, музқаймоқлар тарқатилди, турли аттракционларга эртадан-кечгача улар ихтиёрида бўлди. Кўрик-танлоор, концерт дастурларидан ташкил топган бу тадбир уларнг қалбида узоқ вақтгача сақланиб қолиши шубҳасиз.

Сурайё МЕЛКУЛА, «Туркистон-пр»

«02»: ҲОДИСАЛАР

Чилонзор туманида, олий ўқув юртлари-дан бирининг талабаси, Талабалар шаҳарча-сида яшовчи 20 ёшли Ақром исмли шахс Жиноят қидирув тезкор ходимлари томони-дан далилий ашё билан қўлга олинди. Гап шундаки, у ёлланма ишни, ушбу манзилда вақтинча бирага яшовчи, Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидан келган 23 ёшли Одил исмли шахсининг савдо пулларидан, ётқо-нада унинг йўқлигидан фойдаланиб, 2006 йилнинг сентябрь ойи охирида 200.000 сўм, ўша йилнинг октябрь ойи охирида 200.000 сўм, ноябрь ойи охирида яна 200.000 сўм, декабрь ойи охирида 200.000 сўм, 2007 йил январь ойи охири-да 200.000 сўм, февраль ойи охирида 200.000 сўм ва нихоят март ойи охирида 100.000 сўм пулларини ўғирлаб, жабранлу-вчи жами 1.500.000 сўмлик моддий зарар етказган. Ўғирлик содир бўлган жойда, яъни улар яшаган ётқононада олиб борилган тез-кор қидирув ва тергов ишлари натижасида воқеа жойидан бармоқ излари топилган.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Жи-ноят Кодексининг 169-модда, яъни «ўғирлик» жинояти бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тер-гов ишлари олиб борилмоқда.

Юнусобод туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 54 ёшли Алишер исмли шахс, таниши, нафақахўр, Юнусобод туманида яшовчи 66 ёшли Санжар исмли шахсни ал-до ёғли билан «биз Эрондан келётган озиқ-овқат махсулотларини сотиб олаётимиз» деб, ишончига кириб, жабранлувчи Санжар исмли шахсдан 8.500 АҚШ доллари олиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборганлиги аниқланди.

Чилонзор тумани Ички ишлар бошқарма-си Навбатчилик қисмига, жабранлувчи томо-нидан келиб тушган хабарга қўра, 2006 йил-нинг август ойида, Фаргона вилоятида яшо-вчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1982 йилда туғилган Ботир исмли шахс фирибгарлик йўли билан, Самарқанд вилоятида яшовчи 1981 йилда туғилган Баҳром исмли шахсни

«Сени Низомий номидида Давлат педагогика университетидаги ўқишга олиб кириб қўяман, танишларим бор» деб Чилонзор тумани ҳуду-дида алдаб, Баҳромдан 1.500.000 сўм пул-ларини олиб қўйиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган. Хозирги вақтда ушбу ҳолат юзаси-дан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Ко-дексининг 168-модда, яъни «ўғирлик» жино-яти бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Яккасарой туманида «Қорадори—2007» тезкор тадбири жараёнида, Тошкент ша-ҳар Ички ишлар бош бошқармаси жино-ят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимлари томонидан Усмон Носир қўчасида ўтказилган тезкор тадбир натижасида, Тожикистон Респуб-ликаси фуқароси, Душанбе шаҳрида яшовчи, ишламайдиган Мирзаахмад исмли шахс, и-шламайдиган, муқаддам 2001 йилда Ўзбеки-стон Республикаси Жиноят Кодексининг 273-моддаси, яъни «Гиевандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ноқонуний сақлаш, тайёрлаш ва ўтказиш» бўйича судланган, 2 гуруҳ ноғирони, Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманида яшовчи Илҳом исмли

шахсга 2 килограмм, 19 грамм героин да-сасини 16.000 АҚШ долларига сотаан вақтида иккала шахс ҳам далилий ашй-лан ушландилар.

Учтепа туманида, Тошкент шаҳар си ишлар бош бошқармаси жиноят-қидирув терроризмга қарши курашиш бошқари-тезкор ходимлари автомобилларни саш майдончаси олдида, «Қорадори—2007» з-кор тадбири давомида, нафақахўр, Сун-дарё вилояти, Термиз шаҳрида рўйхатду-рувчи, вақтинча Чилонзор туманида яши Шомаммуд исмли шахс ушланиб, ёнид 1 килограмм 95,56 грамм героин гиеванд моддаси олинди. Эксперт криминалик бошқармасининг хулосасига қўра ушбу и-ган модданинг ҳақиқатдан ҳам гиеванд и-даси эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат и-ча Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 1-моддаси, яъни «ноқонуний гиеванд ма-лари билан шуғулланиш» бўйича жинояти қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бе-моқда.

Юлдуз АШИР, Тошкент шаҳар 15 матбуот хизмати ходи

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши-нинг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқар-тириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган. Сизнинг қоржонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текши-ришларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйи-даги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Мунажжим башорати

САДОҚАТЛИЛИК КУНИ

16 АВГУСТ, ПАЙШАНБА Бугун инсонларда садоқатлилик, бе-рилган ваъдага вафо ва бурчга содик-лик фазилатлари намойн бўлади — му-нажжимларимиз шундай гувоҳлик бери-шади. Бугун таъмирлаш-тиклаш ҳамда реставрация ишлари билан шуғулланиш хайрли бўлиши кутилади. Фарзандни дунёга келтириш учун ҳам бугунги кун қулай ҳисобланади. Аммо бунинг учун эр-хотинлар бир-бирларини севишлари ва ҳурмат қилишлари шарт.

Бугун ўз принцип ва эътиқодингиз ҳимоя қилиш учун курашилдиган кун - дир. Ҳиссиётларингиз ва эҳтиросларини баралла намойн этинг — бу бошқу билан тўғри муносабатлар ўрнатишига ёрдам беради. Тизангизга беҳосдан тўқилиб кетиши гийбат, бўхтонлардан д-берувчи нохушлик белгиси бўлса, чарм ё топиб олишингиз омадингиз юришиш ишора бўлади. Кийимларингиз ёрқин, ялтироқ ва ола-рангиларига устуворлик беринг.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонинг мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нухсада босилди. Қоғоз бичими А-2